

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУЪБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ
«ФАЛСАФА ВА ФАН МЕТОДОЛОГИЯСИ» КАФЕДРАСИ

РЕФЕРАТ

Мавзу: Юнон фалсафасида борлиқ муаммоси

Бажарди: ЎзМУ фалсафа факультети
фалсафа йўналиши 1-курс талабаси Ҳ. Уроқов

Текширди: Профессор А.Аюпов

Тошкент-2011

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-4
1. Қадимги юнон фалсафасида борлиқ муаммосининг ўрганилиши	5-7
2. Платон онтологиясининг идеалистик характери.....	7-10
3. Платоннинг борлиқ ва материяга муносабати.....	10-14
4. Аристотелнинг илмлар таснифида онтологиянинг ўрни.....	14-15
5. Аристотел таълимотида онтология муаммоларининг ёритилиши: каузал, имконият ва воқеълик таҳлили.....	15-23
Хулоса	23
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	24

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Кенг маънодаги фалсафани барча цивилизацияларда учратиш мумкин. Бироқ уларни қадимги Хитой, Ҳиндистон ва Греция каби айрим ўлкаларда фалсафа кўпроқ бир тизимли тарзда ривож топган. Айниқса Грек фалсафасининг фундаментал қоидалари табиатда ва жамиятда намоён бўладиган уйғунлик ва тартибот ғояларидан иборат бўлиб уларни ўрганиш ва таҳлил қилиш фалсафий фикрлаш учун асос вазифасини ўтайди.

Шунингдек, антик фалсафа сиёсий соҳада Юнонистондаги демократия билан аристократия ўртасидаги курашнинг ғоявий ифодаси сифатида юзага келганлиги бошқа фалсафий йўналишлардан ажралиб туради ва ўша даврдаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий шароит ҳақида тасаввурга эга бўлишимизда муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, юнон фалсафасининг буюк мутафаккирлари Платон ва Аристотелнинг борлиқ, этика, эстетика, давлат, коинот ҳақидаги қарашлари, назариялари табиий, илмий, сиёсий, иқтисодий билимларга эришишда туртки туртки вазифасини ўтайди. Юнонларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш, нотиклик маҳоратини кадрлаши инсон ақл-заковатига катта ҳурмат ва ишонч билан қараганликларидан гувоҳлик беради. Бу эса инсон ҳаёти меъёрларини белгилаш, инсоннинг оламдаги ўрни, ролини аниқлаш ҳамда эзгуликка эришишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Ўрганилганлик даражаси: Қадимги юнон мутафаккирларининг борлиқ ҳақидаги айниқса Платон ва Аристотелнинг қарашлари неча асрлардан буён ўрганилиб тадқиқ этилганига қарамай ҳали-ҳануз уларнинг қолдирган меъроост тўлақонли равишда тугаллангани йўқ. Уларнинг таълимотлари Гегель, Монтесккье Ж. Ж. Руссо И. Кант ва Гоббслар томонидан ўрганилди ва шакллантирилди. Хусусан Руссо Платон ва Арастуга экин нуқтаи назардан фойдаланади ва табиат, мукамал жамият, мукамал инсон ҳақидаги фикрларини шакллантирди.

Монтескьенинг хокимият ҳақидаги қарашларини эса Платоннинг "Қонунлар" ва Аристотелнинг "Сиёсат" асарида учратиш мумкин. Шарқда хусусан Марказий Осиё мутафаккирлари Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Тусий, Улуғбек, Жомий, кашфиётларининг табиий илмий ва ижтимоий фалсафий қарашларини ривожлантиришда антик давр фалсафасига мурожаат этишади.

Қадимги юнон фалсафасида борлиқ муаммосининг ўрганилиши Қадимги юнон файласуфи Парменид борлиқни йўқлика қарама қарши қўйиш орқали таърифлашни тўғри эмас, деб ҳисоблаган эди. Унинг фикрига кўра, фақат «борлиқ» бор, «йўқлик» эса, йўқдир. Немис мумтоз файласуфи Гегел эса, фақат йўқлик бор, борлиқ эса йўқ деган фикрни билдирган. Юзаки караганда бу икки файласуфнинг қарашлари бир - бирини инкор этаётгандай кўринади, аслида эса, ундай эмас. Чунки уларнинг иккиси ҳам борлиқни таърифлаш муаммосига турли жиҳатдан ёндошмоқдалар. Парменид «Борлиқ бор, йўқлик йўқ» дейиши билан ҳеч нима йўқликка айланмаслиги, сақланиб қолиши, барқарорлигини назарда тутди. Гегел эса, фақат «йўқлик бор, борлиқ йўқ» дейиши билан борлиқда биз кузатиб турган барча конкрет нарсалар ҳамиша ўзгариб туриши, ўз сифат муайянлигини сақлаб қола олмаслигини, ўткинчилигини назарда тутди. Шу маънода, ҳар икки файласуфнинг ҳам фикрлари тўғри. Лекин борлиқни таърифлашда Парменид нуқтаи назари кенгроқдир. Зеро, оламдаги нарсалар қанча ўзгарувчан бўлмасин, улар ўз борлигини ҳеч қачон йўқотмайди, балки фақат бир шаклда бошқа шаклга ўтади, холос.

Шундай қилиб, борлиқни таърифлаш ишининг қийинлиги шундаки, инсон барча бор нарсаларни ёки хоссаларини санаб тугата олмайди. Бунинг ҳеч иложи йўқ, лекин бошқа йўли ҳам бор. Бу борлиқдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг конкретлигини ифодаловчи барча хоссалардан воз кечиш, улардан фикран четлашиш йўли. Масалан, табиатнинг органик ёки ноорганик эканидан, инсоннинг шу конкрет инсон эканидан ва инсониятнинг инсоният экани, ҳайвонот эмаслигидан, жамиятлиқдан, планетар мавжудликдан,

Галактика ва Галактикалар тизимига мансубликдан ва ҳ.к. шуларнинг барчасидан четлашилса, барча шу хилма - хил нарсалар учун энг умумий бўлган фақат бир хусусият бор экани, мавжудлиги хусусияти қолади.

Биз онтология муаммоларини ўрганишни Аристотел таълимотининг асосий онтологик ғояларини эслаб олишдан бошлаймиз. Зеро у ҳақли равишда нафақат ғарб, балки Шарқ, араб, шунингдек, Марказий Осиё фалсафаси ва илмий тафаккури тарихида энг йирик зотлардан бири ҳисобланади. Боз устига антик давр файласуфлари орасида фақатгина Аристотелнинг асарлари Юнон тилидан аввало араб тилига, кейин лотин тилига ва кейинчалик бошқа тилларга таржима қилинган ва кенг тарқалган эди. Бу тасодифий ҳол эмас эди. Аристотелнинг асарлари инсоният илмининг чинакам қомуси бўлиб майдонга чиққан эди. Яъни унинг ишларида медицина ва математикани ҳисобга олмаганда, қолган барча илмлар, мантиик, физика, астрономия, метафизика, табиат ҳақидаги илмлар, психология, этика, сиёсат барчаси бор эди. Бир сўз билан айтганда, Аристотел таълимоти ўзидан олдинги ва ўз даври Юнон фалсафаси мазмунидаги деярли барча илмлар назарий ифодасини топган эди. Унинг буюк хизмати ҳам қадимги юнон фалсафий хазинасини, шу жумладан Платон таълимотини интеллектуал қамров билан рационал - мантикий равишда ифода этиб бера олганида эди. Ваҳоланки, унинг устози - Платон асарларини ўрганиш Аристотел никини ўрганишдай осон эмас. Чунки Платон асарлари диалоглар шаклида ёзилган бўлиб, уларни ўрганиш жуда қийин. Зеро, Платон ғояларини диалоглар орқали тушуниш кишида анчагина чуқур билим, теран англаш, машаққатли фикрий меҳнатни талаб қилади. Бу бамисоли илмий асарни ўқиш билан дарсликни ўқиш орасидаги фарқ кабидир. Шу маънода Аристотел кейинги давр файласуфларига оғир фикрий машаққатларни енгиб ўтиб, юнон фалсафасини, хусусан, Платон таълимотини тушунишга ёрдам берадиган буюк бир кўприк бўлган эди. У Платон таълимотини тушунарли мантикий ифода этди, ҳамда уни амалиётга тадбиқ этишга ҳаракат қилди. Лекин

кўпчилик мутафаккирлар шу «кўприк» нинг ўзида қолиб кетдилар,

ундан ўтиб, Платонга қадар етмадилар.

Пармениддан Платон реаллик, унинг абадийлиги, яъни вақтга боғлиқ эмаслигига ҳамда ҳар қандай ўзгариш мантиқан қараганда сароб ишончни мерос қилиб қолди. Гераклитдан Платон бу дунёда барқарор ҳеч нима йўқлиги ҳақидаги фикрларни қабул қилди. Ушбу таълимот Парменид концепцияси билан бирга уни билим сезги органлари билан эмас, фақат ақл билан олиниши мумкинлиги ҳақидаги хулосага олиб келди. Бу қараш ўз навбатида, пифагоризмга ҳам мувофиқ келар эди. Сукротдан эса, Платон ахлоқий муаммоларга бўлган қизиқишни ва оламни механик эмас, балки телеологик тушунишга бўлган мойилликни мерос қилиб олган бўлса, эҳтимол Платон фалсафасидаги "эзгулик" ғояси айти Сукротнинг таъсири туфайли бўлиши керак» Ушбу фикрларда муайян асос йўқ эмас. Лекин, бу Платон даҳосини асло камсита олмайди. Чунки, бизнингча, Платоннинг Пифагор, Парменид, Гераклит, Сукрот ва қолаверса, Пифагор орқали орфикларнинг таъсирини бошдан кечиргани унинг нооргиналлиги, камчилигини эмас, аксинча шундай буюк зотлар билан бир поэнада турадиган даражадалигини билдирувчи фактдир. Қолаверса, юксак ҳақиқат қарашларнинг, билимнинг хилма - хиллигида эмас, балки аксинча, фикрлар бирлигида ўз ифодасини топади.

Платон онтологиясида Худо ҳақидаги таълимот пойдеворий ўрин эгаллайди ва шунга кўра Платон метафизикаси теистик характерга эга дейилади. Унинг таълимотида Худо шахсланган, персоналистик характерга эга.

У Худо ҳақида икки маънода гапиради: "Давлат" асарида Худони "Футургос" деган термин билан атаган. "Тимей" диалогда "Демииург" деб атайди. Футургос - Худо ғояларини яратувчи, Демииург - Худо эса бу ғояларни намуна қилиб, ўзини, бутун борлиқни уларга мувофиқлаштиради.

Демииург - луғавий маъносига кўра юнонча хунарманд, моҳир, уста деган тушунчага мос келади ва Платоннинг "Тимей" номли диалогда «яратувчи» Тангри маъносини ифодалайди.

Платоннинг "Давлат" номли асарида Демииург - "Оламнинг ижодкори ва

отаси" деб кўрсатилади. Демиург ўзидан қуйида турадиган Худоларни ҳам бутун олам жонини ва инсон жонининг ўлмас қисмини ҳам, шунингдек, космосни ҳам яратган. У космосни космос билан бирга абадий мавжуд бўлган, ҳамини тартибсиз ҳаракатдаги материядан абадий мавжуд биринчи образга қараб яратади. Бошқача айтганда, Демиургнинг ўзи кейин эратиладиган космоснинг дастлабки абадий прообразини, яъни тимсоли, парадигмасидир. Демиург оламни йўқдан, ҳеч нимадан яратмайди, балки материя ва ғоядан яратади. Материя ҳам, ғоя ҳам Демиурга боғлиқ эмас. Бундан ташқари, унинг фаолияти чекланган. Демиург — ақл Оламни "иложи борича яхши" ташкиллаб, тузишга интилади, лекин бу интилиш материянинг "зарурий" - детерминистик қаршилигига дуч келади.

"Тимей" да тасвирланган бу Демиург Аристотелнинг чекланиш билан чексизликнинг "бирлашуви сабабчиси" ёки амалий сабабидир. Қадимги Академияда "Тимей" космологиясини вақтдан ташқари мавжуд бўлган онтологик структураларни ёритиш дидактик мақсадга хизмат қилган мажозий тил деб, ҳам талқин этилган. Платонизмнинг энг намоёндалари бу олий илоҳий трансценденция принципини яратиш ақида материя билан бевосита боғланадиган Демиургнинг вазифасидан олиб, бу вазифани биринчи принципдан эманация қиладиган иккинчи воситачи — Худога тааллуқли деб, ҳам кўрсатишган. Александриялик Филон эса, Демиургни Лаос билан айнан бир деб, қараган бўлса, Нумений (II асрнинг иккинчи ярмида антик файласуф неопифагоризм ва ўрта платонизм намояндаси, неоплатонизмдан олдинги давр файласуфи) уни Ақл билан айнан деб ҳисоблаган ва "иккинчи Худо" деб атаб, "Ақл ўзидан бошқа ақлни - Демиургни яратди" деган эди.

Платоннинг Демиург ҳақидаги таълимотини тушуниш бўйича кейинчалик катта зиддиятлар юзага келган (шу каби муаммолар ҳар қандай ваҳий илм мазмунига нисбатан бўлади, турли мазҳаб, фирқаларга ажралишнинг сабаби ҳам шудир).

Умуман, Платон таълимотида ғоялар яратувчи Худога нисбатан Демиург ҳақида кўпроқ тасаввур берилган. Платоннинг "Қонунлар" асарида

эса Худо барча нарсалар меъёри экани ҳақида ҳам гапирилади.

Платонга қадар ҳам бу масалада у каби фикрлаганлар, яъни объектив идеалистлар бўлган. Бу Гераклитнинг Логос ҳақидаги, Пармениднинг фикрий борлиқ ҳақидаги, Анаксагорнинг Нус ҳақидаги, Эмпедоклнинг мухаббат - нафрат ҳақидаги, Пифагорнинг сонлар ҳақидаги таълимотларида акс этган. Лекин, бу қарашлар Платон таълимотида янада ойдинлаштирилди, талқин этилди.

Платонга қадар ва ўз даври ва ўзига қадар бўлган стихияли материализмнинг камчиликларини ҳам кўрсатиб берди. Масалан, у ўзининг "Қонунлар" номли асарида "ҳамма нарса табиатдан ва тасодифан келиб чиққан" деган файласуфларга қарши чиқади ва уларни бошқа файласуфларга карама - қарши қўяди. Улар "олов, сув, тупроқ ва ҳавони барча нарсаларнинг асоси деб қарайдилар ва мана шуларни табиат деб атайдилар. Жонни ҳам кейинчалик шу асослардан келиб чиққан деб биладилар" дейди. Бошқа файласуфлар эса "табиатда мавжуд нарсалар ва табиатнинг ўзи ҳам кейинроқ ақлдан, кейин улардан келиб чиққан ва уларга тобедир" деб, қарайдилар дейди. Биринчи асос олов ҳам, сув ҳам эмас, балки жондир, зеро жон бирламчидир дейди, Платон. Нимаики "табиатда бор экан" бу жондир, вужуд (жисм, моддият) эса жонга нисбатан иккиламчидир. "Қонунлар" асарида эса Платон идеализмни тиезм билан, материализмни эса, атеизм билан тўғридан - тўғри боғлайди. Шу маънода Платон идеализми рационал - фалсафий идеализм эмас, балки диний, мифологик, фалсафий идеализмдир.

Платон ўзининг "Афиналик" деган асарида атеистларнинг уч босқичли хилини санаб кўрсатади:

1. Худоларнинг борлигини инкор этувчилар;
2. Худоларнинг борлигини тан оладиган, лекин уларнинг инсонларнинг ишларига аралашувини инкор этадиганлар (деистлар);
3. Худоларнинг борлигини тан олиб, уларнинг инсонлар ишига аралашувини ҳам тан оладиган, лекин қурбонликлар қилиш ва дуохонликлар билан Худоларни ўзларига мойил қилиш мумкин деб ўйлайдиганлар (ғаразли

эътиқод кишилари).

Платон ғоялар олами мавжудлигини тасвирлаш билан чекланмайди, балки материя хақида ҳам батафсил тўхталади. Бутун олам Платон тушунтиришича, иерархик (иерархия - мураккаб кўпдаражалардан ташкил топган тузилмалар структуравий ташкил топишининг принципи бўлиб, даражалар орасидаги муносабат юқоридан қуйига қараб йўналган бўлади. бунда ҳар бир юқори даража қуйисидан бошқаради, қуйи юқорига бўйсунди тузилма бўлиб, унинг чўққисида олий эзгулик, "демиург" туради, унинг қуйи чегарасида эса моддий нарсалар туради.

Материя, Платон таълимотида ғоялардан кейинги ўринда турувчи иккинчи асосдир. Платон материя терминини ишлатмаган, чунки «материя» сўзи юнонча эмас, латинча сўз бўлиб, у фалсафада кейин «hōra» киритилган. Платон унинг ўрнига «хара» терминини ишлатган (Аристотел «hyle» сўзини ишлатгани каби).

«Тимей» да материя - хара - қандайдир «кўринмас, шаклсиз, тутиб бўлмас бир нима» фазони билдиради. У ҳеч нимага ўхшамайди, лекин жуда эгилувчан пластик, лой каби, у турли шаклларни қабул қиладиган, шаклланган материяга айланадиган нарса. Унга қандай чегара ва чекланиш қўйилса, у шуни қабул қилади. Хара материяни жисм деб бўрмайди, чунки жисмлилик бирон — бир шакл билан боғлиқдир, лекин унинг жисми йуқ деб ҳам бўлмайди. Бу Анаксимандрнинг апейронига ўхшаб кетади. Шаклланмаган материя ўлик ва билиб бўлмайдиган нарсадир.

Лекин айна шу, деярли йўқликнинг оламдаги роли катта. Зеро материя хилма — хиллашув, айримлик, нарса бўлиш, ўзгарувчанлик, ўлиш ва туғилиш, табиий зарурат, ёвузлик ва эркисизликнинг манбаидир. У «Она»,

эозиклантирувчи» «биргаликдаги сабаб» дир. Ва шу материя ғоя, шакл билан бир вақтда оламнинг асосидир аристотелда ҳам шундай ва бу бежиз эмас. Материя абадий, у ғоялар томонидан яратилмаган.

Шу юқоридаги маънода тушунилган материя моддадан (жисмликтан) фарқланади. Бу моддалар антик давр дунёқарашида тўртта стихия

кўринишида мавжуд деб кўрсатилган. «Вужудга келадиган нарсаларнинг энагаси намлик сифатида оқиб ва оловдан ёниб, шунингдек, тупроқ ва ҳаво шакллари олиб ҳамда бошқа ҳолатларга кираркан. турли кўринишларда намоён бўлади» (Тимей). Энди бу материя намлик сув, олов, тупроқ ва ҳаво ғояларини акс эттирган (шакллари олган) дир, энди у моддага айланган материядир. Барча нарсалар демак, ғоя ва материянинг болаларидир. Нарсалар олами ҳамиша пайдо бўлишлар, келиб чиқишлар ва вайрон бўлишлар оламидир, булар ходисавий оламдир олами ҳадис, у ҳеч қачон мавжудликка эга бўла олмайди, у доимо ўзгаришда. Табиатда ҳамма нарса шундай, ўзгарувчан Гераклит, ўткинчи, мурт, ўлимга маҳкум, нобаркамолдир. Унда нимаики пайдо бўлса, ўз воқега эга, яъни вақтинча, ўлиш эса абадийдир.

Платон нарсалар билан ғоялар орасидаги муносабатнинг учта варианты борлигини айтади: тақлид, дахлдорлик (аралашув), аралашув иштирок этиш, тааллуқли бўлиш. Тақлид - нарсаларнинг ғояларга интилиши, эрос -эзгуликни кўмсашилини, унга бўлган маҳаббатини билдириш. Айни замонда бошқа томондан қараганда нарсалар ғояда дахлдор бўлади. «Федон» диалогда бу ҳақида «Ҳар қандай нарса маҳсус бир моҳиятга тааллуқли бўлгани учун пайдо бўлади». Иштирок эса, бу моддий оламдаги нарсалар, бу ғоялар уларга келганида, уларнинг шу ўз ғояларига ўхшайдиган бўлиб боришларини унда иштирок эта бошлаларини (Ан ал — Ҳақлиги) билдиради. Хуллас, нарсалар ўз ғояларининг соясидир, улар ғояларнинг аксу садоси. ғоялар эса, улар нинг нухали ва суръати прообразидир.

Космос жони космик жисмлар жонидан ташкил топади, деб ҳам айтилади. Зеро, Олам жони бутун космосга сингиб кирган ва уни ўз ичига олади. У (куч сифатида) икки хил ҳаракатни юзага келтиради. Ташқи ва ички: ташқи ҳаракат - айнийликка, ғояларга тааллуқли бўлса, ичкиси - унинг аксига тегишли. Кўзғалмас юлдузлар сфераси Фано осмони (кутб юлдузи, элдуз туркумлари айнийлик ҳаракатида бўлса, Ой, Қуёш ва планеталар ички ноайний ҳаракатда бўлади. Оламий жоннинг биринчи функцияси - ҳаракат бўлса, унинг иккинчи функцияси — билишдир.

Олам жони моҳияти айрим бўлинмаган, ажралмаган ёки бўлинмас нарса билан туташаркан бутун борлиғи билан ҳаракатга тушади ва бу нарса айнийга тегишлими ёки бошқасигами эканини сўзда ифода этади». Ўзидаги айний қисм билан Олам жони ғояни билади, бошқа қисми билан материяни, уларнинг аралашмаси билан эса, нарсани билади.

Бу космик билим космик сўзда ифодалангани ва бу сўз овозсиз ва сассиз сўздир. Вақт Худонинг ақли ва фикридан туғилганда У осмон билан бирга пайдо бўлган. Платон вақтни "абодиятнинг ҳаракатдаги ўхшаши" деб таърифлаган эди.

Платон барча тирик, жонли мавжудотларнинг жисми космосда мавжуд бўлган олов, тупроқ, сув ва ҳаводан яратилади ва буларнинг заррачалари энна космосга қайтиши керак, дейди. Вужуднинг тананинг вазифаси жон учун вақтинчалик манзил, яъни кўза, идиш бўлишдан иборат. Инсон вужуди ҳам жон каби яралмишлардандир. Индивидуал жонлар Демиург томонидан космос жони яратилган қолдиқдан яратилади. Улар ҳам айний қисм, бошқа қисм ва бу иккинчисининг қоришмасидан яратилади. Индивидуал жоннинг сифати космос жонининг сифатидан паст туради.

Индивидуал жонда оқил ва нооқил қисмлар бор: логистиком ва алогон. ЭБиринчисининг воситасида инсон фикрлайди. Бошқасининг воситасида эса, у очлик, ташналикҳис этади, бошқа эҳтиросларга берилади, уни нооқил жон, дейди. Жоннинг оқил ва нооқил асослари ичида яна бири борки, у нооқил қисмнинг интилишларини ва ўз - ўзини айблайди, ўзидан жаҳли чиқади. Бу жаҳл унинг ақлга ҳамроҳи бўлади. Бутун инсон ҳаётининг маъноси шу томонлардан қайси бири ғалаба қозонишида. Вужуд кишини эҳтирослар, тубан интилишларга мойил этади. Шунинг учун фалсафа билан шуғуллана олмайди.

“Тилей” да жоннинг ҳар бир қисми инсон вужудида ўз жойига эга экани кўрсатилган. Унинг юқори қисми - бошда, ўртачаси - кўкракда, кўйи қисми - қоринда. Диафрагма юқори қисмларни қуйидаги қисмлардан ажратади. Бўйин эса, жоннинг юқори қисмини ўрта қисми билан бирл аштиради.

Платон орфиклар ва пифагорчиларнинг, жоннинг бир вужуддан бошқасига кўчиши ҳақидаги фикрларини қабул қилган. Унга кўра инсон жонининг қайси қисми ғалаба қозонган бўлса, буж он шунга яраша қайта дунёга келади. Платоннинг ғоялар ҳақидаги таълимотива билиш назарияси Айни шу таълимотга мос келади. Бунинг учун у жоннинг вужудга киришдан олдинги мавжудлиги ҳолатини батавсил тасвирлайди.

Жонлар яратилгач, улар ўзларига мос юлдузларга жойлаштирилади (юборадилар), юлдузлар қанча бўлса, жонлар ҳам шунча жон абадий (бу сақланиш қонуни). Агар жонлар ўлса эди, улар дунёга бошқа кела олмас эдилар (улар) ҳаммаси йуқолиб кетган бўлар эди. Жонни Платон икки от кўшилган аравакашга ўхшатади. Худоларнинг отлари қанотли (от - бу жон, у оқил. Аравакаш - Ақл. Ақл ғоялар соф борлигини кузатади. Лекин фақат илоҳий зотлар ғояларни кўрра оладилар. Бошқа одамларнинг отлари эса жонни ерга тортади (нооқил қисми). Бунинг оқибатида жонлар оғирлашиб, бир - бирлари билан тўқнашиб қанотлари синиб, сезгилар дунёсига қўлаб тушадилар. Лекин қўлаб тушувчи жонлар ҳар хилдир. Чунки улар қўлашларидан олдин олий борлиғига турли даражада яқин бўлганлар. Шунинг учун дунёдаги инсонлар турли тоифа, турли истеъдод, синф, табақаларга ажраладилар. Бу табақалашув файласуф руҳоний, браҳман, Пайғамбарлар ва бошқа.

Вужудга кирганидан кейин жон осмонда асл ватанини эсидан чиқаради, лекин у эслаб олиши мумкин. Ердаги баъзи эзгулик унинг хотирасининг тикланишига туртки бўлиши мумкин. Гарчи ерда мавжуд гўзаллик осмон гўзаллигининг заррасидай бўлса ҳамки, у осмон ,жаннатдаги гўзаллигини эсга сола олади. Чин гўзаллик, эзгуликни эслаб оларкан, жон қанот ёзиб, учишга интилади; у энди учирма бўлган қушдай нукул юқорига қарайди, пастдаги нарсаларга эса, қарамайди. Шунда жон кучи, беҳад (ҳаяжошга «жазбага» ҳолатига тушади. Бу Пайғамбарларга келадиган ваҳий ҳолатидир. «Ҳол» даги билиш вақтида шу даражада кучли бўладики, хатто жон танани тарк этиб, чиқиб кетишни хоҳлайди.

Платоннинг «Базм» номли диологидида суҳбатдагиларнинг ҳар бири шундай жозибани тасвирлаб беришга ҳаркат қилади. Унда Суқрот эДонишмандликни Ҳақни севувчи инсон, файласуф - Ҳаққа интилади. Ҳаққа (ҳикматга) интилиш эса - гўзалликка интилишнинг олий шаклидир», дейди. Суқрот: Муҳаббат - бу эзгулик ва бахтга интилишдир, лекин бу ўткинчи эмас, балки абадий эзгулик ва бахт бўлиши керак. Абадиятсиз абадий эзгулик, бахт бўлмагани учун «муҳаббат - абадиятга интилиш» дир. Лекин умри чекланган одамларга тегишли бўладиган абадиятнинг қисми - бу ижодий фаолият қобилиятидир. Яъни «ноборликдан борликка» ҳар қандай ўтишдир. Кўпчилик одамлар буни насл қолдиришда кўради, лекин бу абадиятни ўлувчи (ноабдий) мавжудотда кўришдир. Муҳаббатнинг энг қуйи шакли шундай.

Ижодкор муҳаббатнинг бошқа шакли — руҳий муҳаббатдир. Платон шу иккинчи хил муҳаббатни юқори ўринга қўяди «Афлотунча муҳаббат» тушунчаси шу иккинчи хил муҳаббатга тааллуқлидир.

Аристотелнинг илмлар таснифида энг асосий ўрин метафизикага тегишлидир. Бу ҳол метафизиканинг Аристотел томонидан «биринчи фалсафа», «фалсафанинг ўзи», «асл фалсафа» дея улуғланишидан кўринади. Маълумки, Шарқда Аристотел (биринчи устоз) нинг издоши ва «Иккинчи устоз» номини олган Абу Насир ал - Форобий ҳам бу илмни, яъни метафизикани «барча илмларнинг якуни ва охиридир. Ундан сўнг бирор нарсани текширишнинг зарурати қолмайди, бу ҳар қандай тадқиқотнинг мақсадидирки, биндай тадқиқот (кишини) осойишталик ҳолатига келтиради».

Хўш, метафизика ўзи нима? Метафизиканинг ўзи Аристотелда иккига -хусусий ва умумий метафизикага ажратиб қаралади. Хусусий метафизика -бу теология (Худо ҳақидаги таълимот ёки илоҳиёт ёки «софия» -донишмандлик, ҳикмат илми) бўлиб, унда махсус «ҳаракатсиз субстанция» борлиғи ёки «ҳаракатсиз абадий биринчи ҳаракатлантирувчи», яъни абадий двигател ўрганилади.

Умумий метафизика эса борликнинг муайян бўлаклари (қисмлари) ни «оператив» ўрганадиган хусусий илмлардан фарқланадиган илм бўлиб, у

бутун борликни бир бутунлик сифатида, унинг атрибутларини ўрганувчи илмдир ва олий бош ғоялари («архе» лар ёки принциплари) ёки «сабаблари» ни ўрганади.

Метафизикадан кейин «Физика» («натурфалсафа» ёки «табиат фалсафаси»), этика ва сиёсат ҳамда мантиқ ва билиш назарияси келади. (Этика ва сиёсат Аристотелда амалий фаолият учун керакли фалсафий деб, таърифланган бўлса, нотиклик маҳорати ва санъат - ижодиёт фалсафаси деб, характерланган. Мантиқ ва билиш ҳақидаги назария Аристотелда махсус илм деб эмас, балки барча бошқа фанлар учун керакли кириш қисм сифатида қаралган. Билиш ҳақидаги дастлабки қарашларида

Аристотел таълимотида онтология муаммоларининг ёритилиши: категориал каузал, имкооният ва воқелик таҳлили.

Аристотел онтологияси асосида учта таълимот ётади:

Категориялар ҳақидаги таълимот ёки борлиқнинг категориал таҳлили;

Борлиқнинг сабаблари ҳақидаги таълимот ёки борлиқнинг каузал таҳлили;

Имкооният ва воқелик ҳақидаги таълимот ёки имконий борлиқдан воқеликка ўтиш жараёнининг таҳлили.

Демак, Аристотел онтологиясини тушуниш учун ана шу уч таълимот ёки таҳлил мазмунига таяниш керак («фалсафа тарихи» курсида бу яхши ёритилади. Лекин биз бу масалага тарихий нуқтаи назардан эмас, балки асосан унинг онтологиясининг моҳияти нуқтаи назаридангина ёндашамиз. Бу ерда конкрет, кенгрок ва чуқуррок таҳлил кўникмаси учун йўл очилиши кўзда тутилади. Амалга оширилиши зеро бу талабада ўз шахсий мустақил эндошуви шаклланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Борлиқнинг категориал таҳлили. Ушбу таҳлилни тушуниш учун аввало «категория» тушунчасини маъносини, ундан кейин Аристотелнинг категориялари бир йўла икки ёқлама - ҳам мантиқий, ҳам онтологик табиатга эга эканини тушуниб етиш зарур.

Демак, аввало, «категория» тушунчасига тўхталамиз. «Категория»

атамаси юнон тилида «айтмоқ» деган маънони билдиради. Фалсафага уни Аристотел киритган эди. Унга қадар «Категория» лотинча «предикат» бўлиб, у гапнинг мантикий эгаси деган маънони билдирган ва предметнинг хоссаларини ифодалашга хизмат қиладиган тушунча ҳисобланган. Аристотел таълимотида эга категория борлиқнинг асосий пойдеворий хусусиятларини ифодалаш учун хизмат қиладиган тушунчаларга нисбатан қўлланди, яъни у фундаментал фалсафий тушунча маъносида ишлатиладиган бўлди. Борлиқни характерлашда катнашадиган ўнта шундай тушунчанинг таҳлили Аристотел онтологиясининг асосида ётади. Булар қўйидагилар: моҳият; миқдор (қанчалик); сифат (қандайлик); муносабат (нисбатдошлик); жой - (макон, фазо, манзил, ҳужра) - (қаердалик); вақт (замон) (қачонлик); ҳолат (аҳвол); эгалик (моликлик); ҳаракат (иш, таъсир, фаоллик); таъсирланиш (ўзгариш).

Булар ичида фақат биттаси - «моҳият» категорияси субстанцияга оид бўлиб, қолганлари акциденциалликка тааллуқлидир.

Ушбу категорияларнинг иккиёқлама табиати уларнинг мантикий ва айни замонда, онтологик табиатга эгалигини билдиради (яъни улар фақат гносеологик категориялар эмас, балки онтологик реаллик ҳам эканини билдиради).

Аристотел ва ундан кейинги деярли барча файласуфлар онтологик муаммолар таҳлилида шу категориялар асосида иш кўрдилар. Фалсафанинг (онтологиянинг) қолган категориялари эса шу категориялар мазмунини эритишда, кенгайтиришда ва ҳ.к. хизмат қилади.

Онтология борлиқнинг моҳиятини нима ташкил этади ёки субстанция нима?, моҳиятнинг акси бўлган ўткинчи борлиқ (ҳодисалар борлиғи) нимани билдиради? ва у қандай келиб чиқади? Нарса ва ҳодисалар қачон (вақт, замон), қаерда (қайси жойда, макон), нима учун (қай мақсадга) кўра қанча (миқдорда) келиб чиқади? қанча (вақт) мавжуд бўлади? ва ҳ.к. оид масалалар пойдеворий тушунчалар бўлган, шу 10 та категориянинг таърифи ва талқинига таянади.

Борлиқнинг каузал таҳлили. Аристотелнинг каузал таҳлили бутун мавжудотга борлиқдаги барча нарсаларга эмас, балки фақат субстанционал

борлиққа қаратилган, яъни бу таҳлилда «субстанциянинг сабаблари» ёки борлиқнинг бошланғич асослари аниқланади. Бундай сабаблар тўртта деб кўрсатилади:

1. Шакл асос (сабаб).

2. Материя асос (сабаб). («нимадан яратилиши») нимани ўз ичига олгани ёки ташкил топиши ёки мазмунини ёки субстрати.

3. Ҳаракат манбаи бўлган асос (сабаб) ёки ижодкор сабаб (ижоднинг боши).

4. Мақсад асос (сабаб) ёки (борлиқ) нимани деб (нима учун) борлиги.

Аристотел онтологиясида шакл сабаб материядан фаол ҳисобланади.

Материя нарсаларнинг мазмунини ташкил этган туб асос ҳисобланиб, уни Аристотел «hyle» қурилишида ишлатиладиган «ёғоч» деган юнонча сўз билан ифодалаган. Бу биринчи материя ҳеч қандай сифатга, ранг, тус ва бошқа конкрет хусусиятларга эга бўлмаган асос («хомашё»), яъни субстрат бўлиб, айни шу асосга шакл (прообраз, ғоя, парадигма, суръат) нинг таъсири туфайли ўз сифатга эга бўлган моддий нарсалар - сув, олов, ҳаво ва ҳ.к. вужудга келади.

Ҳозирги давр физикасида Аристотелнинг «биринчи материяси»га вакуумдаги заррачалар мос келади.

Юқорида санаб берилган сабаблар орасида онтологияда биринчи ва иккинчиси кўп ишлатилади. (Бу, бежиз эмас. Зеро 3, 4 фақат хусусий метафизикада, 1, 2 эса умумий метафизика ва натурфалсафада кўпроқ ишлатиладиган категориялардир. Чунки, «Фалсафага кириш» курсида айтилганидай, қадимги фалсафада дифференциаллашув содир бўлган. Бу дифференциаллашув фалсафанинг эзотерик (мистик) қатлами бўлган ва Аристотел «фалсафанинг ўзи», «биринчи фалсафа», «софия» ёки «хусусий метафизика» ва «умумий метафизика» деб кўрсатган қатламдан физика (ёки натурфалсафа) нинг ажралиб чиқиб, мустақиллашувига олиб келган. +адимги энон фалсафасининг, яъни метафизикасининг мазмунини ташкил этган пойдеворий тушунчалар, Айниқса ҳаракат манбаи (ижодкор сабаб) ёки унинг мақсад сабаби бўлган Худо ҳақидаги ғоялар эса натурфалсафа мазмунига

кирмайди. Лекин ҳозирги давр фанида, айниқса тизимлар назарияси 3 ва 4 сабаблари ҳам табора олимларнинг диққат марказига айланмоқда).

Бундан ташқари, Аристотел қандайдир мавҳумдастур(лар) нинг эмас, балки эзгуликни (бахт, яхшиликнинг) амалга ошувини назарда тутди. Яъни у мақсад деганда, ҳар бир нарсанинг ўз эзгулигига эришуви тушунилади. Демак, ҳар қандай имконият воқе бўлишга, тўла амалга ошишга интилади. Шунинг учун ҳар бир имконият ,потенция воқе бўлишга интиларкан, бунда фақат ўзининг эзгулигига эмас, умум эзгулигига ҳам интилади.

«Ҳамма нарсалар ҳамиша бирон нарсанинг фаолияти (таъсири) туфайли бирон - бир ўзгариш содир бўлади». «Ҳаракатчини ҳаракатлантирувчи бўлиши керак». Бу ҳаракат ўз - ўздан (тасодифий) содир бўлмаслигини билдиради. Масалан, Аристотел айтганидай, нофаолдир. Шакл эса фаолдир, Айни замонда у моҳиятдир (бўлинмас тур): «Моҳият ва шакл -бу фаолият». Лекин бу фаолият ҳам ўз олий моҳиятига, ўз олий шаклига, биринчи ҳаракатлантирувчисига эга. «Метафизика» да айтилганидай: эЎзгаришлар қаерда келиб чиқди?» Биринчи ҳаракатлантирувчи ҳаракат ўзгариши нимага дуч келади? Метафизика ўзгариши нимага олдин келади? Шаклга.

Аристотелнинг бу 4 сабаб 2 сабабга келтирилиши мумкин:

1 - материя сабаб;

2 - шакл - мақсад - ҳаракат сабаб - Худо - шакллантирувчи -

ҳаракатлантирувчи ва мақсад сабаб, яъни иккинчиси 3 тасининг бирлигидан иборат. Аристотелда бу Худодир. Шунинг учун ҳам унинг «Биринчи фалсафа» си теологиядир. Шакл сабаб сифатида Худо барча метафизикавий моҳият, табиатдан ташқари, материядан ажралган, ҳаракатсиз сезгилар билан сезилмайдиганларни ўз ичига жо этади.

Фалсафанинг табиат ҳақидагиси фандан фарқли илм сифатида мавжуд. У бўлиши ҳуқуқини ҳам анна шу метафизикавий моҳиятлар борлиги билан боғлаган эди.

У ўзининг метафизика асарининг 12 китобида ўзида метафизика моҳиятини жо этган Худо - бу «абдий, ҳаракатсиз ва ҳиссиётлар, сезгилардан

ташқарии бир моҳиятдир».

Худо ҳаракатсиз, чунки, агар у ҳаракатда дейилса, у ҳолда у биринчи ҳаракатлантирувчи бўлмас эди. Зеро уни ҳаракатлантирувчи бошқа асос бўлиши керак эди.

Аристотел таълимотида Худо ўз -ўзини билувчи онгдир. (Нус) «У ўз -ўзидан фикрловчи ақлдир. Ва унинг фикри фикрлаш ҳақидаки фикрдир».

Аристотел нуқтаи назарига кўра, маънога эга бўлган барча нарсалар ички мақсад томонидан йўналтирилган ва потенциал мукамалликка эга бўлади. Ва бу барча нарсаларга тааллуқли. «Мақсад билан шартланиш, -дейди Аристотел. Фақат тафаккур орқали белгиланадиган хатти -ҳаракатлардагина эмас, балки табиий келиб чиққан (табиатдаги) нарсаларга ҳам тегишли бўлади».

Мақсадга йўналган жараёнларнинг амалга ошувини Аристотел энтелехия деб атайди. (тухум жўжага айланса, шу амалга ошув, яъни энтелехия содир бўлади). Жўжа формал реал жўжадан олдин мавжуд. Воқелик (шакл). Бу фикр илмий нуқтаи назаридан ҳам тўғри тасдиқланган. Яъни Аристотел фалсафий фикрда баён этган бу жараён эндиликда илмий асосга ҳам эга бўлди. Зеро жўжанинг тухум ичидаги ривожланиши (шаклланиши), бу жўжа уруғида (жавҳарида, тухумда) жо бўлган генетик коднинг ва генетик дастурнинг амалга ошуви - энтелехиясидир.

Материализм тарафдорлари бу ҳолни фақат тирик табиатга нисбатан тан олган эдилар. Лекин нотирик табиат учун (масалан космоснинг шаклланиши учун) қўллаб бўлмайдди, деб кўрсатган эдилар. Лекин ҳозирги давр фани (астрофизика, космология, тизимлар назарияси, айниқса, синергетика) тирик ва нотирик табиат орасидаги бу чегарани олиб ташлади. Демак, Аристотелнинг бу эояси бутун борлиққа тегишли.

Шу қаторда Аристотел ўз онтологиясида асосан Платон таълимотига таянади. Лекин битта масалада у Платонни танқид қилган эди. Бу «Платон менинг дўстим, лекин ҳақиқат ундан қадрлироқ» деган фикрида ўз ифодасини топган эди.

Аристотел ўзининг бу танқидини устози вафотидан кейин амалга оширган. Унинг фикрига кўра, Платоннинг жиддий хатоси ғояларнинг материядан мустақил, табиатдан ташқари ва ҳаракатсиз мавжудлигини тан олишида деб кўрсатади. Тўғри, Аристотелнинг ўзи ҳам (Худо ҳақидаги) метафизикани мавжудлиги ҳақида гапирганида (шакл сабаби, ҳаракатлантирувчи сабаби, мақсад сабаби) уларнинг материядан мустақил мавжудлигини тан олган эди. Лекин Аристотел Платоннинг Демиург томонидан прообраз сифатида мустақил мавжуд бўлган ғояларини танқид қилади (ўша шаклнинг ўзику).

Бизнингча, Аристотел идеализми билан Платон идеализми орасидаги бу зиддият жуда катта эмас. Буни бошқа файласуфлар кўрсатишган. Хусусан, А.Н.Фаробий, Фома Аквинский, XX аср ўрталарида эса француз суфийси Р.Генон шундайлар қаторида. Масалан, ал - Фаробий «Икки файласуф: илоҳий Платон билан Аристотел орасидаги мувофиқлик» деган асарида Платон ва Аристотел таълимотларининг ички бирлигини очиб берган эди. Р.Генон ҳам ғоялар масаласида Платон билан Аристотел орасидаги зиддиятни бўрттириш тўғри эмаслигини ўқтиради. Унинг фикрига кўра, Платоннинг ишларида ғояларнинг асосан трансцендентал жиҳатига чуқурроқ эътибор берилган бўлса, Аристотелда имманент жиҳатига алоҳида эътибор қаратилган.

Ф.Аквинский эса масалани янада оддийроқ ёритиб, ғоялар нарсаларга қадар ҳам (Худонинг онгида, трансцендентал равишда (Платон)), нарсалар билан бирга ҳам (имманент равишда (Аристотел)) ва нарсалардан кейин ҳам мавжуд бўлади, дейди.

Аристотелнинг «шакл» категорияси Платоннинг ғоя, прообраз (парадигма), материясиз соф қувват (куч, қудрат, энергия) маъноларини ўзида жо этади. Яъни шакл ҳам онг (ғоя), ҳам қувват (энергия) дир. (Онг -қувват ёки қувват - онгдир ёки онгли қувват ёки қувватли онг), у энг олий реаллик, (мавжудлик) дир.

Материя эса пассив субстрат сифатида соф имконият тарзидаги мавжуд. Буларни Аристотел «Акт ва потенция» тушунчалари воситасида

тушунтиради. Акт бу воқелик, чинакам борлиқни, потенция эса имконийликни, имконда борлиқни ифодалайди.

Ушбу маъноларни шакл ва материяга нисбатан қўлласак, шакл туфайли материя имконий борлиқдан реал борлиққа айланиши, яъни воқе бўлиши ҳақидаги хулоса келиб чиқади. Демак, шакл хомашё вазифасида турган материяга ташкилловчи таъсир кўрсатмағунича материя намоён бўла олмайди, воқеликка айлана олмайди. Яъни шакл материяни ноаён ҳолатдан аён ҳолатга ўтказувчи реал ва онгли кучдир.

Имконият ва воқелик таҳлили орқали Аристотел «ҳаракат» ва эривожланиш» жараёнини ҳам ёритади.

Материянинг шакл таъсири оқибатида имконият ҳолидан воқеликка ўтиши, яъни структурланган конкрет бир нарсага айланиши ҳаракат ёки жараён тушунчасида ифодаланади.

Ҳаракат тушунчаси орқали Аристотел онтологияга ривожланиш ғоясини ҳам олиб кирган. Бу актуал борлиқни потенциал борлиқдан ажратишга асосланади. Шу ажратиш туфайли имконий борлиқдан воқе бўлувчи борлиқнинг, реалликнинг келиб чиқиши, яъни «генезис»и, кенгрок маънода қараганда эса бир нарсанинг бошқа нарсага айланиши содир бўлади. Айнан ҳаракат ва келиб чиқиш, нарсаларнинг бошқа нарсаларга айланиши туфайли борлиқда ривожланиш содир бўлади. «Актуал мавжуд, - деб тушунтиради Аристотел, - ҳамиша потенциал мавжуддан актуал мавжуд амалиёти оқибатида келиб чиқади». Яхлит, бутун олам учун эса бундай энг дастлабки актуал асос ва айни замонда оламни ҳаракатлантирувчи, шакллантирувчи ва мақсадга йўналтирувчи сабаби Худодир ёки борлиқнинг ҳаракатсиз биринчи ҳаракатлантирувчисидир. Бу асос ҳеч қандай моддият эки потенциаллик билан аралашмаган, оламга ва вақтга боғлиқ бўлмаган, ўз-ўзини англайдиган ва ўзининг узлуксиз ва оний ижодкорлиги билан оламдаги барча имкониятларни ўз эросининг объекти сифатида воқе этадиган ва барча нарсалар ўзининг энг олий мақсадини билиб, унга интиладиган соф (энг номоддий) куч - қудрат Худо бўлиши керак.

Яъни, бу ерда Аристотел Худони ёки борлиқнинг ҳаракатсиз дастлабки асосини, ҳаракатсиз ҳаракатлантирувчиси бўлган куч - қудрат тавсиф этади. Ушбу тавсифда қуйидаги асосий белгилар кўрсатилган:

1. Дастлабки асосда модда ёки потенциаллик (имконийлик) йўқ, яъни у материядан мусаффо;
2. У Оламга ва маконга боғлиқ эмас, ундан мустақил мавжуд бўла олади;
3. Вақтга боғлиқ эмас, яъни абадий;
4. Унинг фаолият тезлиги беқиёс катта ва узлуксиз;
5. Бутун борлиқ Унинг меҳр - муҳаббати (эроси) нинг натижаси ўлароқ келиб чиққан;
6. У борлиқдаги барча нарсалар ўзининг эзгу мақсади сифатида интиладиган энг олий марра;
7. У беҳад олий онг эгаси, У ҳақ, одил, бироқ ҳикмат соҳиби билувчидир;
8. У буюк куч - қудрат эгаси;
9. Унинг қуввати онгли, онги эса қувватли экани (Онги ва қувват ўзаро узвий);
10. Бу онг - қувват номоддий, материясиз экани.

Платон объектив идеалист бўлиб ҳисобланади. Яъни у ғояларни бирламчи ва объектив, инсон онгидан мустақил реаллик ва табиатдан олдин мавжуд деб ҳисобланган. Объектив идеализм материализмга мутлақо зид келадиган фалсафий таълимот. Зеро материализм онг, ғоя, фикр, руҳий юксак ривожланган материя, яъни инсон миясининг маҳсули деб ҳисоблайди. Объектив идеализм эса, бу хусусиятни инсондан ташқари мавжуд деб ҳисоблайди. Шунинг учун объектив идеализм антропоморф характерга эга деб кўрсатилади. Зеро Платон таълимотида инсон шахсига хос ирода, туйғулар ва ўзликни билиш каби хусусиятлар, объектив мавжуд ҳисобланади ва булар табиатдан ташқари мустақил мавжуд. Бу Платонда оламни онгли равишда яратувчи ижодкор Тангри тушунчасида ифодаланган. Эоялар эса, эратилувчи

нарсаларнинг Футургос — Худо онгидаги тимсоллари. Шу маънода улар моддий нарсалардан олдин мавжуд. Шунинг учун Платон объектив идеалист ҳисобланади.

Аристотел Платоннинг ғояларининг трансцендентлиги ҳақидаги фикрларига қарши чиққан эди, лекин анча кейинги даврдаги ишларида ўз устозининг ақлдан юқори реаллик ҳақидаги ғояларига қўшилган эди.

Юқоридаги таснифдан кўринадики, Аристотел таълимотида онтология муаммолари асосан хусусий ва умумий метафизиканинг объекти бўлган. Қолаверса, натурфалсафада ривожлантирилган. Лекин бундан, Аристотел таълимоти бошқа қисмларининг онтология билан алоқаси йўқ, деган хулоса келиб чиқмайди. Бу ерда гап онтология муаммоларининг пойдеворий аҳамиятга эга экани ва шунинг учун ҳам улар асосан Аристотел эфалсафанинг ўзи» деб атаган метафизика мазмунида ёритилгани ҳақида кетмоқда холос.

Хулоса

Юнон файласуфларининг, хусусан, Платон ва Аристотелнинг таълимотлари янидан янги илмий назарияларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Зеро, улар фалсафий фикр ривожига катта таъсир кўрсатибгина қолмасдан балки ўз ғоялари билан келажакни ҳамиша озиклантириб келган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Аристотел гарчи Афлотуннинг шогирди бўлса ҳам, унинг йўналишидан бахраманд бўлган бўлганлигига қарамай унинг таълимоти ва мутлоқ ғоясини қаттиқ танқид остига олади. Антик давр файласуфлари бўлмиш Платон ва Аристотел табиат ва коинотнинг моҳиятини тушунтиришда ҳаракат қилиб қадимги файласуфлардан фарқли равишда бу муаммони ҳал этишга чуқурроқ, изчилроқ ёндашадилар. Улар оламнинг бирламчи ибтидосини топишга унча эътибор бермадилар. Бутун борлиқнинг табиат ва коинотнинг пайдо бўлишида худолар ва ғояларнинг иштирок этганлиги тўғрисидаги турли илмий фаразларни олға сурадилар. Улар олам, коинот, инсон, жамият, давлат муаммоларига алоҳида қизиқиш билан

карадилар. Олам моҳиятини фалсафий билишда догматик методни эмас диалогик исботлаш методини қўллай бошладилар. Шунингдек мантик фани ривожига ҳам салмоқли хисса қўшдилар.

Дарҳақиқат қадимги юнон фалсафасида оламнинг келиб чиқиши ва тузилши, кейинчалик унинг ўрнида вужудга келган борлик ҳақидаги таълимот ҳамда этика бир-биридан ажралмас бўлиб, оламни рационал тушунтиришга қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абу Райхон Беруний "Ҳиндистон" асари
2. Ғарб фалсафаси. Назаров Қ. таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2005.
3. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. Назаров Қ. таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2004
4. Саифназаров И., Касимов Б., Мухтаров А. Философия курс лекций. -Т.: Шарқ, 2002.
5. Фалсафа асослари. Назаров Қ таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2005.
6. Фалсафа қомусий луғат. -Т.: Шарқ, 2004
7. Фалсафа. Мамашокиров С. таҳрири остида. -Т.: Ўқитувчи, 2005.
8. Философский энциклопедический словарь М .2001.
9. Форобий «Фозил одамлар шаҳри» Т. 1993.
10. Хайдеггер М. Бытие и время: пер. с нем. 2-е изд., испр. -СПб., 2002.
11. Шермухамедова Н. А. Фалсафа ва фан методологияси. -Т.: Университет, 2005.
12. Шермухамедова Н.А. Гносеология. -Т.ЎФМЖ. 2007
13. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. 176.
14. Фалсафа. Мамашокиров С. таҳрири остида. -Т.: Ўқитувчи, 2005.
15. Саифназаров И., Касимов Б., Мухтаров А. Философия курс лекций. - Т.: Шарқ, 2002.
16. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 14 жилдлар. Т. Ўзбекистон. 2006.
17. Антик фалсафа. Т. Ўзбекистон. 25 27 б
18. Майоров Г.Г. Философия как искание Абсолюта: Опытггм теоретические и исторические. Изд.2. - М., 2009. - 416 с.
19. Лекторский В.А. Эпистемология классическая и неклассическая. Изд.3. -М., 2009. 256 с.